

Отанинг ўғилга васияти



08:50 / 23.04.2019 3028

Али ибн Зайд ибн Жудъон ҳикоя қилади: «Ансорийлардан бирининг ўлим соати яқинлашди. У ўғлига шундай васият қилди: «Ўғлим! Сенга бир васиятим бор, уни ҳар доим ёдингда тут. Бу васиятни мендан олмасанг, бошқа бировдан ололмаслигинг мумкин. Аллоҳ азза ва жаллага тақво қил! Кечангдан бугунинг, бугунингдан эртанги кунинг яхшироқ бўлишига интил. Тамагирликдан сақлан, чунки бу айни фақирликдир. Одамларнинг қўлига қараб, улардан бирон нарса умид қилишдан йироқ бўл! Нимага муҳтож бўлсанг ҳам, уни одамлардан сўрамасанг, Аллоҳ уни сенга етказди. Узр сўраладиган иш қилишдан сақлан. Яхшилик қилишда эса узр сўраш йўқ. Бирорта одам хато қилса, унинг ўрнида бўлмаганинг учун Аллоҳга ҳамд айт! Намозга турсанг, уни видолашув намозидек ўқи! Ўзингни бу дунёда охирги марта намоз ўқиётгандек тасаввур қил!»

«Солиҳлар гулшани» китобидан